



ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a8

**Эсонбоева Гулрух Мухаммадқодир қизи -
Тошкент молия институти
магистранти**

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда оилавий бизнесни ривожлантиши ва қўллаб-кувватлашда мамлакатимизда кредитлаш тизимининг аҳамияти ҳамда уларни таомиллаштиришга оид қатор тадқиқотлар қўриб чиқилган. Оилавий тадбиркорликни молиялаштириш, кредитлар ажратишдаги муаммолар, аҳолининг ўзини-ўзи бандлигига қўмаклашиши бўйича соҳадаги муаммолар атрофлича ўрганилиб, оилавий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни, афзалликлари, хусусиятлари ва соҳадаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: оилавий тадбиркорлик, кредитлар, банк кафолатлари, аҳоли бандлиги, самарадорлик, лойиҳа, кредит, даромад.

НЕКОТОРЫЕ АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ КРЕДИТОВАНИЯ СУБЪЕКТОВ СЕМЕЙНОГО БИЗНЕСА

**Эсонбоева Гулрух Мухаммадқодир қизи –
магистрант Ташкентского финансового института**

Аннотация. В статье рассматривается значение системы кредитования в нашей стране и ряд исследований по их совершенствованию в развитии и поддержке семейного бизнеса в нашей стране. Были подробно изучены проблемы в области финансирования семейного предпринимательства, проблемы в выделении кредитов, содействии самозанятости населения, а также разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации о роли семейного предпринимательства в экономике страны, преимуществах, особенностях и устранении проблем в сфере.

Ключевые слова: семейное предпринимательство, кредиты, банковские гарантии, занятость, эффективность, проект, кредит, доход.

SOME URGENT ISSUES OF LENDING TO FAMILY BUSINESS ENTITIES

**Esonbaeva Gulrukhan Mukhammadkadir Kizi –
Master's degree student of Tashkent Institute of Finance**

Annotation. The article examines the importance of the lending system in our country and a number of studies on their improvement in the development and support of family business in our country. The problems in the field of financing family entrepreneurship, problems in the allocation of loans, assistance to self-employment of the population were studied in detail, and scientifically based proposals and recommendations were developed on the role of family entrepreneurship in the country's economy, advantages, features and elimination of problems in the field.

Keywords: family entrepreneurship, loans, bank guarantees, employment, efficiency, project, Credit, Income.

Кириш. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида, кейинги йилларда иқтисодиётимизда тадбиркорликнинг турли шаклларини, хусусан, кичик бизнес соҳасини янада шакллантириш, эркин фаолият юритиши учун қўшимча шартшароитлар яратиб беришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки кичик бизнес субъектлари ички бозорни сифатли товарлар билан таъминловчи, мамлакат экспорт салоҳиятини оширувчи, мамлакатда кўп микдордаги янги иш ўринлари яратувчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш нуқтаи назаридан жуда долзарб ҳисобланади.

Халқаро тажрибадан маълумки, кичик бизнеснинг иқтисодиётнинг бозор инфратузил-

маси ва рақобат муҳитини шакллантиришда бюджетга солиқ тўлаш базасини кўпайтиришда, янги бўш иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини ошириш, бозорни эса турли хил халқ истеъмол товарлари ва хизматлар билан тўлдиришда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиеёв эътироф этганларидек, "...ҳар бир хонадоннинг тадбиркорлик борасидаги имкониятини ўрганиш, молиялаштиришни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорларни ишонтириш ва уларга амалий ёрдам бериш – бутун Макроиқтисодиёт комплекси фаолиятидаги кундалик қоидага айланиши керак"[1]. Оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётдаги ўзгаришларга тез мослашувчан соҳа сифатида ички бозорни зарур истеъмол товарлари билан тўлдириш, хизмат

кўрсатишининг янги ва замонавий турларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 16 марта қабул қилинган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”[2] ги қонуни, 2018 йил 7 июнданги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”[3] ги қарори, 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самародорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”[4] ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 9 июндаги «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори ва бошқа норматив-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳозирги кунда оилавий бизнесни муҳим эканлигини кўрсатади.

Мамлакатимиз Президентининг худудларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташабbusларини қўллаб-қувватлашга доир қарорларига мувофиқ, Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш (“Ҳар бир оила – тадбиркор”, Фермер, дәхқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш, “Yoshlar – kelajagimiz”, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш, Ҳунармандчилликни ривожлантириш, Маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги жамғармалар ва Бандликка қўмаклашиш) дастурлари ижросини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимлари, туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринbosарлари раҳбарлигида “Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари” ташкил этилган.

Улар томонидан қўйидаги ишлар амалга оширилиши белгиланган:

- ҳар бир оила ва хонадонларни хатлов асосида қамраб олган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиш салоҳияти, истак ва таклифларни синчковлик билан ўрганиш;

- ўрганиш давомида оилаларнинг тадбиркорлик ғояси ва кўнинмаси, ушбу фаолиятни амалга ошириш учун етарли шароитлари мавжудлигини аниқлаш;

- ҳовли ва кўп қаватли хонадонларда яшовчи ҳар бир оиланинг тадбиркорлик салоҳияти ва имкониятларини таҳлил қилиш, яшаш худудининг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишлари учун кенг қамровли йўналишлар бериш ва қўмаклашиш;

- тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш истагида бўлган шахсларга тижо-

рат банклари томонидан **кредитлар ажратиш ишларини ташкиллаштириш**;

- тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган оилаларга янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда айрим сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари ва ҳунармандлар фаолиятини қайта тиклаш учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши ҳамда мавжуд муаммолар ҳал этилишига амалий ёрдам бериш ишлари ташкил қилиш ва бошқа вазифалар келтириб ўтилган.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича кредитлашни тўлиқ рақамлаштириш, асбоб-ускуналарни сотиб олиш ёки сотиш учун маркетплейс ташкил этилган, аҳолининг банкка бормасдан маҳалланинг ўзида кредит олишини йўлга қўйиш тизими тарзда ташкил қилинган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

М.Б. Мамутнинг хulosасига кўра, кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш амалиётини ривожлантириш учун банклар ва нобанк кредит ташкилотларининг микрокредит операциялари Марказий банк томонидан назорат қилинмаслиги керак[5].

Нобель мукофоти соҳиби, М.Юнуснинг хulosасига кўра, энди иш бошлаётган кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътибор кредитлашнинг ижтимоий самарасига қаратилиши керак. Тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятлари кенгайгандан сўнг, улар бозор ставкаларида бериладиган кредитларга талаб ошишига сабабчи бўладилар[6].

Ф.Аллен ва Д.Гейл кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг икки тизими – банклар фаолиятига асосланган тизим ва молия бозорларига асосланган тизимнинг мавжудлигини эътироф этадилар ва бунда биринчи тизимнинг нисбатан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайдилар[7]. Фикримизча, Ф.Аллен ва Д.Гейлнинг мазкур хulosаси ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, мазкур мамлакатларда кичик бизнесни кредитлаш тизимида тижорат банклари етакчи мавқега эга; иккинчидан, кичик бизнес субъектлари учун қимматли қоғозлар бозори орқали ресурслар жалб этиш имконияти мавжуд эмас.

Шанел-Рейно ва Блуанинг хulosасига кўра, кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналар билан алоқаларини яхши йўлга қўйилиши уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширади. Чунки йирик корхоналарда кичик ва ўрта корхоналар билан ишбилармонлик муносабатларига киришидан олдин уларнинг бозор талабларига жа-

воб берга олишини таҳлил қилинади. Шунингдек, йирик корхона ҳамкори бўлган кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳолатини доимий равишда назорат қиласиди[8]. Ж.Шанел-Рейно ва Э.Блуанинг мазкур илмий холосаси тараққий этган мамлакатлар тажрибаси таҳлилига асосланган ва шу жиҳатдан ишончли ҳисобланади. Улар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар аниқ маълумотлар таҳлилига асосланган бўлиб, йирик бизнеснинг кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини ривожланishiда муҳим роль ўйнашини асослашга хизмат қиласиди.

А.Е. Кремин мамлакатларда ўз самарадорлигини амалда исботлаган кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни молиявий-кредит билан таъминлашнинг кўплаб механизмларини қўллаш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асоси сифатида қараш мумкин деб ҳисоблайди[9].

Б.Б. Беркинов “Оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш йўллари” номли монографиясида оиланинг тадбиркорлигини ривожлантириш ҳар томонлама унинг моддий – техник жиҳатдан ресурслар билан таъминланганлиги ҳамда давлат томонидан ушбу фаолият турлари билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар, кредитлаш тизимининг яратилганлиги даражасига боғлиқ ҳисобланади деб кўрсатади[10].

И.М. Алимардонов фикрича, “бизнес субъектларини молиялаштириш жараёнини давлат томонидан қўллаб-куvvatлашда солик имтиёзлари муҳим ўрин тутмоқда. Давлат энг аввало солик сиёсатини қайта кўриб чиқиши лозим[11].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнida оилавий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш шакллари қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган ва молиялаштириш манбалари ва олинадиган даромадларнинг реал қийматини алоҳида эътибор қаратилган. Таҳлил жараёнida маълумотларни статистик гурухлаш, қиёсий ва трендили таҳлил усусларидан фойдаланилган. Мақолада банклар томонидан оилавий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ва микрокредитлар алоҳида гурухларга ажратилгани ҳолда, иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган. Тадқиқот обьекти сифатида оилавий тадбиркорлик субъектлари танлаб олинди.

Таҳлил ва натижалар. Вилоятлар ички худудий маҳсулотида, унинг иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг барқарор ўсиши тадбиркорлик субъектлари сони кўпайиши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми ва турларининг ортиши мамлакатда тадбиркорларга яратилаётган қулавий иқтисодий муҳит билан бевосита боғлиқ. Худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар сони ортиб бориши натижасида ушбу сек-

торда минглаб бўш ишчи ўринлари яратилиши нафақат иқтисодий балки жамиятимизнинг кўплаб ижтимоий муаммоларини ҳал этмоқда.

Биргина мисол тариқасида олсак, Самарқанд вилояти статистика бошқармасида оиласлар тўғрисида ҳисботни кўрадиган бўлсак Самарқанд вилоятида шаҳар оилаларининг улуси 2021 йилда 39,1 %ни ташкил қиласиди. Қишлоқ аҳолиси эса 60,9 %га teng. 2020 йилга нисбатан 10,5 % кўпайган[12]. Давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра Ўзбекистонда доимий аҳолиси сонининг 50,6 фоизини шаҳар ва 49,4 фоизини қишлоқ аҳолиси ташкил қиласиди. Қўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида қишлоқ аҳолисининг салмоғи мамлакатимиздаги кўрсаткичга нисбатан анча юқори. Ушбу ҳисбот бир йилда бир марта йилнинг 1 апрель ҳолатига тўлдирилади.

Бунга кўра Самарқанд вилоятида оилаларнинг умумий сони 2020 йилда 610281 тани 2021 йилда 936538 тани ташкил қиласиди. Шу йилда уларнинг йўналишлари бўйича ҳам кескин ўзгаришлар рўй берган.

Иш билан банд бўлмаган оила аъзоларини аҳолининг “ўзини ўзи иш билан таъминлаш” ва маҳаллаларда “касаначилик маркази”ни ташкил қилиш эвазига оилавий тадбиркорликни ривожлантириб, янги иш ўринларини яратиш ва бола тарбияси билан шуғулланаётган аёлларни ва ишсизларни иш билан банд қилиш имконияти яратилган.

Ҳозирги кунда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маркетинг ва консалтинг хизматлари кўрсатиш, уларнинг маҳсулотларини чет эл бозорларига чиқаришга кўмаклашиш, бизнес режаларни тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги зарур ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлаш ишлари яхшиланмоқда, яратилган барча қуляйликлар тадбиркорлик субъектларига ўз худудларининг иқтисодиётини ривожлантириш, ўз товарларини яқин ва хориж мамлакатларига экспорт қилиш имкониятини яратади.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 2021 йилнинг ўтган даври давомида **148** мингдан ортиқ лойиҳага жами **3,6 трлн. сўм** имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Дастурлар доирасида ажратилган кредитларнинг **648 млрд. сўми** (18 %) юридик шахслар ва ЯТТларга, **2 трлн. 931 млрд. сўми** (82 %) ўзини ўзи банд қилувчи жисмоний шахсларга ажратилган. Бунда асосий эътибор аҳолини қўшимча даромад манбаларига эга бўлишига ҳамда кафолатланган янги иш ўринларини яратишни назарда тутувчи тадбиркорлик субъектларини лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилди.

1-жадвал


Самарқанд вилоятида оила хўжаликларининг умумий сони ва алоҳида категориялари бўйича ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларининг 2020-2021 йиллар таҳлили [12]

№	Оилаларнинг алоҳида категориялари	2020 й.		2021й.		Оилалар улуши фарқи (+,-)
		Оилалар сони, бирликда	Оила-ларнинг улуши, %	Оилалар сони, бирликда	Оила-ларнинг улуши, %	
1.	Самарқанд вилоятида жами оилалар сони	610 281	100,0	936538	100,0	
1.1.	шу жумладан: шаҳарда	174678	28,6	365840	39,1	+10,5
1.2.	Қишлоқда	435603	71,4	570698	60,9	-10,5
2.	Кам таъминланган оилалар сони	22562	100,0	11127	100,0	-
2.1.	шу жумладан: шаҳарда	9 184	40,7	4050	36,4	-4,3
2.2.	Қишлоқда	13 378	59,3	7077	63,6	+4,3
3.	18 ёшдан кичик болали оилалар сони	417 286	100,0	441628	100,0	-
3.1.	шу жумладан: шаҳарда	154002	36,9	173202	39,2	+3,7
3.2.	Қишлоқда	263 284	63,1	268426	60,8	-3,7
4.	Кўп болали оилалар сони (5 ва ундан кўп)	78081	100,0	42255	100,0	-
4.1.	шу жумладан: шаҳарда	35 858	45,9	5563	13,2	-32,7
4.2.	Қишлоқда	42 223	54,1	36692	86,8	+32,7
5.	Тўлиқ бўймаган оилалар сони (отаси ёки онаси йўқ оилалар)	27080	100,0	14976	100,0	-
5.1.	шу жумладан: шаҳарда	15 129	55,9	4380	29,2	-26,7
5.2.	Қишлоқда	11 951	44,1	10596	70,8	+26,7
6.	Ногирон аъзолари бор оилалар сони	41101	100,0	24387	100,0	-
6.1.	шу жумладан: шаҳарда	15 442	37,6	9478	38,9	+1,3
6.2.	Қишлоқда	25 659	62,4	14909	61,1	-1,3
7.	Жиддий сурункали касалликларга чалинган оила аъзолари бор оилалар сони	13825	100,0	8198	100,0	-
7.1.	шу жумладан: шаҳарда	7 929	57,4	1896	23,1	-34,3
7.2.	Қишлоқда	5 902	42,6	6302	76,9	+34,3
8.	Бир ўзи яшайдиган қариялар сони (65 ёш ва ундан катталар)	2432	100,0	1391	100,0	-
8.1.	шу жумладан: шаҳарда	1 503	61,8	584	42,0	-19,8
8.2.	Қишлоқда	925	38,2	807	58,0	+19,8
9.	Оилавий бизнес билан шуғулланадиган оилалар сони	42994	100,0	38430	100,0	-
9.1.	шу жумладан: шаҳарда	24 804	57,7	14509	37,8	-19,7
9.2.	Қишлоқда	18 190	42,3	23921	62,2	+19,7
10.	Хорижга ишлаш учун кетган оила аъзолари бор оилалар сони	142925	100,0	72726	100,0	-
10.1.	шу жумладан: шаҳарда	86 143	60,3	14765	20,3	-40,0
10.2.	Қишлоқда	56 782	39,7	57961	79,7	+40,0



1-расм. Самарқанд вилоятида Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи оилалар сони[12]

**Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида
2021 йилда ажратилган кредитларнинг ўзгариш динамикаси**




**2-расм. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида
2021 йилда ажратилган кредитларнинг ўзгариш динамикаси[13]**

Ушбу кредитларнинг **84 %** (3,0 трлн. сўми) “Хар бир оила – тадбиркор” дастури, **16 %** (576,2 млрд. сўми) бошқа дастурлар ҳиссасига тутўри келади.

Мазкур маблағларнинг **1 трлн. 568 млрд. сўми** хотин-қизлар тадбиркорлигини, **1 трлн. 577 млрд. сўми** ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга ажратилган[13].

**Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 2021 йилда ажратилган кредитларнинг худудлар ва субъект турлари кесимида тақсимланиши
(01.05.2021 йил ҳолатига, млрд. сўмда)**



3-расм. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 2021 йилда ажратилган кредитларнинг худудлар ва субъект турлари кесимида тақсимланиши[13]

Оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг моддий-техника ресурсларига эҳтиёжларини қондириш, майда улгуржи дўконлар учун савдо кўргазмалар мажмуаларини ташкил қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Бу эса кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига яна бир турткىй бўлади.

Юқоридаги келтирилган қулайликлар билан бирга кичик бизнесни худудий ривожлантиришда ўз ечимини кутаётган бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг таҳлили кўрсатмоқдаки, республикамизда кичик бизнесни худудий ривожлантириш учун айниқса қишлоқ жойларида бозор инфраструктузилмаси тармоғини кенгайтириш зарур. Шу билан бирга тижорат банклари ва бюджетдан ташқари ташкилотларнинг тадбиркорларга узоқ муддатли кредитларни бериш ишларини фаоллаштириш талаб этилади. Шунингдек назо-

рат органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нисбатан қоғозбозлик ва расмиятчилик ҳолатларига ҳам тўлиқ барҳам берилмаган.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиётига ўтиш даврида миллий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми сифатида худудларнинг иқтисодиётини ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим воситасига айланган. Республикаизда аҳолининг ўсиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда худудларда аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ҳамда янги бўш иш ўринларини яратиш зарурати, кичик оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришни, уни ҳар томонлама қўллабкуватлашни ҳамда юқорида келтирилган камчиликларни бартараф этишни тақозо этади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. "Халқ сўзи" газетаси 2022 йил 20 марта. 30-сон 3 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 16 марта қабул қилинган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 7 июндаги "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 14 июлдаги "Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни токомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
5. Мамут М.В. Микрофинансирование: новые возможности финансово-кредитной системы.// Банковское дело. – Москва, 2009. - № 4.- С. 96 - 99.
6. Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишерз, 2010. – 307 с.
7. Allen F., Gale D. Comparing Financial Systems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – P. 42.
8. Chanel-Reynaud G., Bloy E. La Banque et le risqué PME. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – P. 39-40.
9. Кремин Александр Евгеньевич Актуальные вопросы кредитования малого бизнеса территории // Вопросы территориального развития. 2017. №5 (40). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/aktualnye-voprosy-kreditovaniya-malogo-biznesa-territoriy> (дата обращения: 27.02.2023).
10. Беркинов Б.Б. Оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш йўллари. Монография. – Т., 2019 й. 216.
11. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини молиялаштиришининг айрим долзарб масалалари. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 5-сон, сентябрь-октябрь, 2017 йил 3 б.
12. Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.
13. https://cbu.uz/oz/press_center/reviews/498841/
14. Календжян С.О., Волков Д.А. Семейное предпринимательства: анализ российской практической.//Российский внешнеэкономический вестник. № 9,2011. – С.17-20.
15. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: Iqtisod - moliya, 2008. 340 с.
16. Убайдуллаева Р.А. Семья в Узбекистане. Монография. – Т.: Фан, 2012.
17. Saidov Mashal Samadovich (2023). Ways of Introduction of Modern Management Mechanisms in the Electric Power Sector of Uzbekista. International Journal of Business Diplomacy and Economy Volume 2, No 1 | Jan- 2023. P. 98-110. <https://inter-publishing.com/index.php/ijbde/article/view/977/843>
18. Saidov Mashal Samadovich (2023). Renewable Energy Sources and Ways of their Implementation in the Republic of Uzbekistan. INTERNATIONAL JOURNAL ON ECONOMICS, FINANCE AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT ISSN (electronic): 2620 - 6269/ ISSN (printed): 2615 – 4021 Vol. 5 No. 1 | January 2023. P. 38-52. <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/3879/3668>
19. Saidov Mashal Samadovich (2023). Improving Management Efficiency at Oil and Gas Industry Enterprises in Uzbekistan. Academic Journal of Digital Economics and Stability Volume 25, Jan-2023. P. 15-24. ISSN 2697-2212 Available Online: <https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/622/620>
20. N.K.Yuldashev, M.S. Saidov. (2023) The Economy of the Countries of the World is Experiencing the Need for Nuclear Power Plants. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT. ISSN: 2576-5973 Vol. 6, No.1,2023. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1890/1718>
21. Сайдов М.С. (2023) Электр энергетика тармоғини бошқаришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Журнал. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар // №1. 2023 йил, 183-194 б. file:///C:/Users/Acer/Downloads/19_Saidov+183-194.pdf
22. Сайдов М.С. (2023) Электр энергетика тармоғини тартибга солиш ва бошқаришнинг иқтисодий хусусиятлари. Журнал. Иқтисодиёт ва таълим // №1. 2023.